



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

Муносабат



Ўзбекистон — БМТ:

МУҲИМ ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида сўзлаган нутқи аниқ таклиф ва амалий ташаббусларга бойлиги билан қалбимизни ғурур-ифтихорга тўлдирди. Зеро, бугун дунёда геосиёсий зиддиятлар фониди сайёраимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ишончни тиклашга қаратилган даъватлар муҳим ўрин тутди.

Боз устига давлатимиз раҳбари инсониятни ташвишга солаётган муаммоларга ва уларни ечиш йўлларида халқаро ҳамжамият эътиборини қаратди. Улардан бири, бир-бирига боғлиқ бўлган экологияни асраш, сувни тежаш ва озик-овқат долзарб вазибалардир.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда дунёда кескин экологик вазият кузатишмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда Орол денгизи фожиасига қарши курашни давом эттираётган Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдиди энг заиф минтақалардан бирига айланмоқда.

Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар майдонда қургўқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо этилди. Лекин фожа кўлами шу қадар кенги, уни камайтириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳимдир.

Бугун замонамизнинг яна бир оғриқли масаласи глобал миқёсда сув етишмовчилиги хавфидир. Кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим даражага кўтарилди. Бу – дунёдаги ўртача исидан икки карра кўпдир. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)



ТАНАГА ХОС-У МОС БЎЛСИН

Халқ ва мамлакат тақдирида тил масаласи қанчалик муҳим касб этса, ёзув масаласи ҳам шунчалик эътиборлидир. Шундай экан, алифбо масаласига жиддий муносабатда бўлиш талаб этилади.

Халқимиз ўз тарихий тақдирида кўплаб ёзувларни истифода этишига тўғри келган. Ўрхун-Энасой, сўғд, хоразм, бақтрия, паҳлавий, қадимги уйғур, араб, лотин, кирил алифболари шулар жумласидандир.

Ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз ёзуви бўлиши мақсадга мувофиқ, албатта. Лекин жуда кўплаб давлатлар ички ва ташқи омилар сабаб бошқа халқларнинг ёзувларини истифода этиб келгани маълум.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда бу борада қабул қилинган илк ҳужжатлардан бири ҳам айнан давлатнинг расмий ёзуви тўғрисида бўлган. Бу Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги (1993 йил, 2 сентябрь) Қонуни эди. Ушбу Қонун “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимида киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади,”- дея қайд қилинганди.

(Давоми 6-саҳифада)

Миллат руҳи



ТИЛИМИЗ “КОМА” ДАН ҚАЧОН ЧИҚАДИ?

Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан 21 октябрь “Ўзбек тили байрами кунини” деб эълон қилинганига тўрт йил тўлди. Бу миллатимиз қаддию қадрини янада баланд кўтаришга хизмат қиладиган, тоғдек юксалган милён-милён кўнгилларни ўзгача ғурур, ўзгача фахру ифтихор, ўзгача қувонч туйғулари билан лим-лим тўлдирадиган энг азиз, энг улуғ, энг қутлуғ байрамларимиздан бири. Бу байрам “Наврўз” ва “Мустақиллик” сингари бутун гўзаллиғи жозибаси, ҳароратию таровати, рангларини оҳанглари, сеҳру синоатию меҳру муҳаббати билан мамлакатимизнинг ҳар бир хонадонига эрта тонгданок намоён бўладиган ва каттаю-кичикка хуш кайфият бахш этадиган бебаҳо қадриятларимиздандир.

Бугун оила даврасида болажонларимизнинг она тилимизда ҳавасимизни келтириб, шеър ўқишлари, дилимизни яйратиб қўшиқ куйлашлари, Ватан расмини сўзда ифодаб, олқишларимизга сазовор бўлишлари, буюк бобоқалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан рубоий ва ҳикмат айтишда беллашишлари, буларнинг бари олтин кузнинг 21 октябр нуфузини осмон қадар юксалтириб, унга олам-олам шодмонлиғи завқу-шавқ бахш этишининг ўзи ҳам ажойиб бир байрам эмасми?! Бундан она тилимизнинг мустақиллиги учун курашиб, жон фидо қилганларнинг ҳам руҳлари шод бўлмай. Ахир, улар ана шундай дорилмон кунлар учун озмунча курашдиларми, озмунча азоб-уқубатларни кўрдиларми, бошларида озмунча калтак синдимми?! Она тилимиз озмунча камситилиб, озмунча таҳқирландими, озмунча турткиландими?!

Биз, қалам аҳли ҳам она тилимиз байрами шуқудан жону дилимиз яйраб, бир-биримизни муборакбод этар эканмиз, “Она тилимизнинг софлиги-ю, дунёвий нуфузга эришиши ва умри боқий бўлиши учун қиладиган саъй-ҳаракатларимиз кўнгилдагидек бўлаётими?”, “Адабий тилимиз шева ва бошқа тилларга қоришиб кетмаяптими?”, “Она тилимизда тўғри сўзлаш ва хатосиз ёзишни ўргатишда таълим муассасаларининг иши қониқарлими?”, “Адабий тил тарғиботининг олдинги қаторида бориши керак бўлган телеканалларимиз нима учун бу борада кундан-кунга ғариблашиб бормоқда?”, “Соҳалардаги раҳбарларимизнинг неча фоизи у ёки бу ҳужжатни ўзбек тили қондаларига мос равишда ёза олади?”, “Нима сабабдан ҳанузга қадар ўзбек тилида қилинган мурожаатга айрим идоралар русча жавоб қайтардилар?” сингари қатор-қатор саволлар хаёлимизда чарх урмай қолмайди.

Шўролар замонида фуқаро паспортини расмийлаштириб берадиган идораларда кўпроқ русча фикрлаб, русча ёзадиган одамлар ишлаган шекилли, улар Нажмиддинни “Наджмитдин”, Одилни “Адил”, “Орифни “Арип”, Иброҳимни “Ибрагим”, Носирни “Насир”, Муҳаммадни “Муҳаммад”, Йўлдошни “Юлдаш”, Комилни “Камил”, Ботирни “Батир”, Ёқубни “Яқуб”, Рўзиматни “Рўздат”, Олтинни “Алтын”, Ихтиёрни “Ихтияр”, Исмоилни “Измаил”, Жамилани “Джамила”, Райҳонни “Райхан”, Ойгулни “Айгул” деб ёзганлар. Афсуски, саводсизларча ёзилган ўзбек исмлари юртдошларимиз паспортларини бугунга қадар тарқ этгани йўқ. Гарчи кўпгина фуқаролар паспортлари мустақиллик йилларида бир неча бор алмаштирилган бўлсада, исм-шарифлар хатоси тузатилмай келинмоқда. Бу эса бир авлоддан иккинчи, хатто учинчи, тўртинчи авлод ҳужжатларида ҳам давом этмоқда. Агар, Бабамурадни Бобумурод деб, Қасымни Қосим деб ўзгартирсак қонунга зид бўладими? Айрим мутахассислар бунинг учун барча ҳужжатларни янгилашга тўғри келади дейдилар. Назаримда, бу фикр унчалик тўғри эмас. “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнар” дейилганидек, мутасадди идоралар озгина бош қотирсалар олам гулистон. Чунки, бу хатолик бугун ҳам давом этмоқда. Кимдир ўғлига бобосининг исмини Диёрбек деб эмас, “Диярбек” деб, кимдир ўзининг хусусий дўконига онасининг исмини Фароғат деб эмас, “Парағат” деб қўяётганлиги, бу эса саводсизлик доирасини кенгайтираётганлиги ачинарли эмасми? Бу аҳволда она тилимизнинг софлигига эришиб бўладими?! Менимча, бу долзарб муаммони эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Акс ҳолда бу кўплаб баҳсларга, кўплаб эътирозларга сабаб бўлиши турган гап. “Темирни кизиғида бос” деганларидек, бу масала ечимини топишга қанча эрта киришилса, шунча яхши.

(Давоми 3-саҳифада)

БЕБАҲО ХАЗИНА

Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ёшлар салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун мустахкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Стратегияда ёшларни замонавий касблар ва чет тилларга ўқитиш тизими яратилиши кўзда тутилган. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир вилоятда 1 тадан “Креатив парк” фаолиятини ташкил этиш, уларга йилига камида 40 минг ёшни жалб этиш вазифаси қўйилган. Мактаб битирувчилари камида 2 та хорижий тил ва 1 та касб эгаллашини таъминлаш белгиланган.

Ушбу йўналишда илмий ва инновацион фаолият, интеллектуал ўйинлар ҳамда чет тилларни ўрганишга жалб этиш орқали камида 2 миллион ёшнинг иқтидорини ривожлантириш каби мақсад ва марралар кўзланган. Ҳар йили 500 нафар истеъдодли ёшни хорижийнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юбориш режалаштирилган. Бу йигит-қизларнинг жаҳон меҳнат бозорида талабгир кадрлар бўлиб етишишига замин ҳозирлайди. Стратегияда 400 минг ёшнинг бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал этишга эришиш ҳамда ёшлар ишсизлиги даражасини 14 фоиздан 11 фоизга камайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Хужжатда ёшлар ўртасида ИТ соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун ИТ соҳасида 300 минг ёшни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Мактаб ўқувчилари халқаро ИТ бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўргатилади. “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенгайтириш ва ҳар йили энг иқтидорли 15 минг ёшни нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши юзасидан амалий чоралар белгиланган.

Келгусида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган ёшлар сонини кўпайтириш, оммавий спорт қамровини кенгайтириш стратегиянинг асосий мақсадларидан. Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш орқали ёшлар қамровини 8 миллиондан ошириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун камида 5 мингта маҳаллада спорт майдончалари барпо этилиши назарда тутилган.

Ёшлар таълими ва тадбиркорлик

Бугунги кунда билим олишга, замонавий касб-хунар эгаллашга, турли йўналишларда иқтидорини намोён этишга, тадбиркорлик қилишга яратилган шароитлар натижасида ёшлар кўплаб соҳаларда янги марраларни забт этмоқда. Хусусан, ўқувчиларимиз ўтган йили халқаро фан олимпиадаларида 7 та олтин, 36 та кумуш ва 38 та бронза медални қўлга киритди. Олий таълим тизимида ҳам ёшларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Олий таълим муассасалари сони салкам уч карра кўпайиб, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга етгани замонавий илм ва касб соҳаларини эгаллашда ёшлар учун янги имкониятлар очмоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиши кутилмоқда.

Таълим тизимидаги ислохотлар юртимизда Учинчи Ренессансга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш бугунги кунда устувор йўналишга айланди. Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади.

Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёш кириб келмоқда, келгуси 10 йилда 1 миллионга етади. Охириги уч йилда 250 минг ёшга 6 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди. Мамлакатимиз бўйича 210 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилди. Ўтган йили ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўмлик 2,5 мингта лойиҳа амалга оширилди.

Натижада ёш тадбиркорлар сони 2 карра кўпайиб, 200 мингдан ошди. Ёшларга 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 мингининг бандлиги таъминланди. 32 мингдан зиёд ёшга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер олиб берилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинмоқда. Уларни касбийтайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш дастурлари тасдиқланди ва амалга оширилмоқда.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш

Ўтган давр мобайнида ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар қилинди. Хусусан, барча маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, бу вазифага интилувчан, ташкилотчилик қобилиятига эга, ташаббускор ёшлар саралаб олинди. “Ёшлар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, сўнгги икки йилда 798 мингта яқин ёшга қарийб 1 триллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили 130 минг талабага 1 триллион 700 миллиард сўм таълим кредити берилди, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. Эҳтиёжманд оилага мансуб 53 минг талабага ўқиш учун контракт пуллари, 15 мингдан зиёд ёшга ҳарбий хизмат ва 13 минг ёшга чет тиллар бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб берилди. 81 минг талабага уй-жой ижараси тўлови ажратилди. “Ёшлар дафтари” орқали 300 минг ёшга қа-

рийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Бу соҳадаги ишларни янада аниқ ва манзилли ташкил этиш мақсадида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион ўғил-қиз алоҳида эътиборга олинди. Бунда биринчи марта 25 та вазирлик ва идора маълумотлари ўзаро уйғунлашган электрон базага жамланди. Барча ёшларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқиши ўрганилиб, “маҳалладан вазирликкача” тизимида ишлаш чоралари белгилаб олинди. 2021 йилда 25 ёшгача бўлган ёшларни ишга олган корхоналарга ижтимоий солиқни қайтариб бериш амалиёти жорий қилинган эди.

Ўтган даврда бундан 9 мингдан зиёд корхона фойдаланди ҳамда 100 минг ёшнинг бандлиги таъминланди. Бу ижобий тажриба муддатини яна икки йилга узайтириш бўйича кўрсатма берилди. “Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари” жамғармаси ва электрон платформаси ташкил қилиниши белгиланди. Жамғармага 100 миллион доллар йўналтирилиб, бу маблағлар иқтидорли ёшларнинг энг яхши ғоя, стартап ва лойиҳаларига қулай ва енгил шартларда, зарур бўлса, фойсиз ажратилади. Давлат кўмагига муҳтож ёшлар ҳар бир вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, ректорлар, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига номном бириктирилди. Улар ўз ҳимоясидаги ёшларнинг касб-хунар ўрганишига, кредит, субсидия ва кафилик олиш орқали бандлигига кўмаклашади. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ёшлар сиёсати халқаро умум-эътироф этилган ҳуқуқ ва нормаларга ҳамоҳанг тарзда юритилмоқда. Зеро, ёшлар давлатимизнинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир.

Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси

Ўзбекистон — БМТ:

МУҲИМ ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда. Музликларнинг эриши, табиий офатлар, шунингдек, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва саноатлашув натижасида юзага келаётган техноген омиллар туфайли минтақада сув ва экология билан боғлиқ вазият ёмонлашиб бораётгани ва унинг оқибатлари хавотир уйғотмай қолмайди.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин.

БМТ маълумотига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилига 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда. Бу охир-оқибатда озиқ-овқат бўҳронини келтириб чиқариши мумкин. Агар ўз вақтида таъсирчан чоралар кўрилмаса, ушбу муаммолар оқибатлари минтақамиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур еткази.

Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилишини қўллаб-қувватлашини билдирди. Зотан, Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – сув ресурслари” механизмини

ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш жуда муҳим вазифа.

Мамлакатимизда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича катта миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, охириги 7 йил мобайнида мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган 1 миллион гектардан ортиқ майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида ҳам сувни тежаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш режалаштирилган. 2024 йилда Самарқандда ўтказилиши режалаштирилаётган Халқаро иқлим форуми доирасида жаҳоннинг етакчи компанияларининг сувни тежаш борасидаги технологиялари кўргазмаси ҳам ўтказиладики, бу минтақа давлатлари учун ҳам илғор технологияларни жалб этишлари учун қулай майдон вазифасини ўтайди.

Дилором ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

(Боши 1-саҳифада)

Фикримизнинг давоми сифатида эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчи иштиёр этдик. Бугун пойтахтдаги қайси бир дўкон, кафе, ошхона, ресторону дорихоналардан тортиб, катта-кичик маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари пештоқиқа қараманг, кўпчилигида ажабтовур номларни кўриб, ёқа ушлайсиз. Уларни ўқиш ҳам, қандай маънони билдиришини тушуниб олиш ҳам амримаҳол. Масалан, инглиз ва лотин тилларида ёзилган “Ловел”, “Барбер шоп”, “Ледия багс”, “Эврис эдикатио”, “Миес Колд”, “Фелиза”, “Ҳижаб хоус”, “Эврет парис”, “Смарт”, “Пятерка”, “Магнум”, “Атлант”, “Компасс”, “Флешка”, “Интегро” номлари нимани англатади? Бундай номларни ҳар қадамда кўриб, ўзингизнинг қайси мамлакатда эканлигингизни ҳам билмай қоласиз. Пойтахтнинг Чилонзор метро бекатидан чиқиб, савдо расталари оралаб юрсангиз ана шундай ғаройиб номлар қаторлашиб турганини кўриб, “ё тавба, нималар бўлаяпти ўзи?”, дея бошингиз қотиши турган гап. Ёки Бешёғоч майдони ер ости йўлидан ўтиб, кўл бўйида қад ростлаган чиройли дўконлар биноларига ҳавас билан боқар экансиз, уларнинг пештоқидаги номларга кўзингиз тушганда яна асабингиз таранглашади. “Ғафур Ғулом бобомиз тирилиб келганда борми, бу антика номларни битта ҳам қолдирмай юлиб отган бўларди” деган фикр ҳаёлингиздан ўтмай қолмайди. Бундай мисолларни шаҳарнинг бошқа ҳудудларида ҳам бот-бот кўриб, яна ўзимга-ўзим савол бераман: “Қизик, нега бутун бир бошли улкан шаҳарни шу хилдаги номлар босиб кетаяпти? Улар қаердан пайдо бўлаяпти? Наҳотки, туркий тилларнинг энг сараси, энг гўзали ва энг бойи ҳисобланган ўзбек тилида ном қўйиш учун сўз топилмаётган бўлса?!”

Ахир, энг чиройли ва пурмаъно номлар она тилимизда юзлаб эмас, минг-минглаб топилади-ку. Нега дўконларимизни, кафе, ошхона ва дорихоналаримизни, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўзбек номлари билан атамаймиз? Нега? Сабаби борми?! Ёки “мутахассисларимиз” ўзбек тилида кўзни кувнатадиган, дилни яйратадиган чиройли ном тополмаптиларми? Қийналаётган бўлсалар, ижодий ташкилотларга мурожаат қилмайдиларми? Ахир, бу она тилимизни менсимасликнинг очик-ойдин кўриши эмасми? Она тилимизга бўлган ҳурмат, меҳр-муҳаббат шуми? Бундай номларни тасдиқлаб бераётган ташкилотлар бу ишни билиб қилаптиларми ёки билмай? Давлат тилига масъул бўлган идораларчи? Улар бундан беҳабарми? Хабардор бўлсалар, нега жим ўтирибдилар? “Ҳой, барака топкурлар, жойларга ном беришда пала-партиш иш тутмайлик. Қўядиган номимиз жойига мос келсин. Етти ўлчаб бир кесиш



учун маслаҳатлашиб иш тутсангиз янглишмайсиз, чиройли номга эга бўласиз. Бу борада Тошкент мамлакатимизнинг барча шаҳарларига ибрат бўлиши керак!”- дейдиган она тилимизнинг фидойилари-чи? Улар ҳам бундан беҳабармиканлар?.. Хабардор бўлсалар, нега овозлари чиқмаяпти? Нега?!..

Энди гапни шу номларни тасдиқлаб берадиган давлат хизматлари идораларининг биридан эшитинг! Қўшним фирмасининг номини ўзгартириш учун мендан ёрдам сўради. Мен таклиф қилган “Олтин тонг” номи унга ҳам маъқул бўлди. Сўралган ҳужжатларни рисоладагидек тайёр қилгандан сўнг икков туман давлат хизматлари марказига бордик. Ҳужжатлар билан

фирма номи тегишли юридик шахсларни айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олинishi мумкин эмас”, дейилган бўлиб, қуйидаги маълумот келтирилган:

“Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимида ушбу номга ўхшаш юридик шахс номлари – “Олтин тонг ширин дунё”, “Олтин тонг BS”, “Истикбол олтин тонг”, “Боёвутнинг олтин тонги”, “Навбахор олтин тонг”- мавжудлиги билдирилади.”

Тўғри, булар ўхшаш номлар. Лекин, айнан бир хил эмас. Иккинчидан, тил ва мантқиқ нуқтаи назари-

– Бир-бирига ўхшаган ном айнан бир хил дегани эмас-ку, укажон, аралашдим мен. – Масалан, Алишер билан Ғанишер ўхшаш номлар. Лекин, уларни бир хил маънодаги исмлар деб бўлмайди. Агар, компьютерингиздаги ном “Олтин тонг” масъулияти чекланган жамият, деб ёзилмаган бўлса, у ўхшаш бўлгани билан мустақил ҳисобланади.

– Мен ҳеч нарса қилолмайман, – деди мутахассис гап тамом дегандай қилиб.

танишиб чиққан мутахассис йигит компьютерини титкилаб, сизларни кига ўхшаган ном бор экан. Шунинг учун компьютер бу номга рухсат бермаяпти деди ҳужжатларни қайтара туриб.

– Бир-бирига ўхшаган ном айнан бир хил дегани эмас-ку, укажон, аралашдим мен. – Масалан, Алишер билан Ғанишер ўхшаш номлар. Лекин, уларни бир хил маънодаги исмлар деб бўлмайди. Агар, компьютерингиздаги ном “Олтин тонг” масъулияти чекланган жамият, деб ёзилмаган бўлса, у ўхшаш бўлгани билан мустақил ҳисобланади.

– Мен ҳеч нарса қилолмайман, – деди мутахассис гап тамом дегандай қилиб. – Унда бу масалада кимга мурожаат қилишимиз керак?

– Вазирлик ёки шаҳар адлия департаментига.

Ўша куниёқ қўшним адлия вазирлигига ариза қолдириб келди. Орадан 7-8 кун ўтиб, вазирлик бошқармасидан жавоб келди. Унда “Фуқаролик кодексининг 1098-моддасига асосан, юридик шахсининг

дан қараганда “Боёвутнинг олтин тонги”дан бошқаси мавҳум номлар. Учунчидан, ўхшаш номларни рўйхатга олиш мумкин бўлмаса, автоматлаштирилган тизимда мавжуд бўлган бу номлар нега рўйхатга олинди? Тўртинчидан, маънисиз бўлса-да, бир-бирига ўхшаш бўлган бешта номни рўйхатга қўйишга рухсат берган автоматлаштирилган тизим нега “Олтин тонг” масъулияти чекланган жамият, деб номланган олтинчи номни қабул қилмади? Бунга ким айбдор? Автоматлаштирилган тизимми ёки унга айтиб ўтилган номларни киритган масъул ходимми? Автоматлаштирилган тизим бу ўхшаш номларни осмондан олмагандир, ахир. Бундан яққол кўриниб турибдики, давлат хизматлари марказлари тизимида ўзбек тилидаги (нафақат ўзбек тилидаги) номларнинг мазмун-моҳиятини тушунмаслик ва ўхшаш номлар билан айнан бир хил бўлган номларни фарқлай олмаслик (бу алоҳида мавзу) оқибатида айтиб ўтганимиздек, ўзбек тили қонун-қоидаларига мут-

лақо жавоб бермайдиган мантқиқсиз ва ғализ номлар кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Тизим мутасаддилари эса Алишер бошқа-ю, Ғанишер бошқа исм эканлигини ё билиб, билмаганликка олаяптилар. Ёки билмасликларини тан олгилари келмаяпти.

Давлат мақомига эга бўлган ўзбек тили қонун-қоидалари-ю, талабларини билмай ёки билиб туриб, унга амал қилмай, юридик шахсининг оғзидан чиққан номни рўйхатга олиш ана шундай ачинарли аҳволни юзага келтириши шубҳасиз. Шундай экан, автоматлаштирилган тизим ҳам инсон ақл-заковати билан яратилганлигини, у инсон бошқарувисиз ишлай олмаслигини унутмайлик!

Президентимизнинг “...Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим” деган даъваткор сўзлари она тилимизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳисобидан янада ошириб-гина қолмай, унинг ҳар томонлама равақ топишида муносиб ҳисса қўшишдек залворли масъулият ҳам юклайди.

Бу масъулият, энг аввало, ҳар биримиздан ўзбек тилини яхши билишимизни, унинг қонун-қоидалари-ю, талабларига тўла амал қилишимизни тақозо этади. Шу нуқтаи-назардан қараганда давлатимиз раҳбарининг мазкур фикрлари моҳиятини теран англаб, уни барча-барчамиз ҳаётимиз қоидасига айлантирмас эканмиз, она тилимизнинг софлигини таъминлашга, унга доғ юктирмай кучига куч, чиройига чирой қўшиб, дунё тилларининг энг олдинги қаторига олиб чиқишимиз, фарзандларимизни ўз тили билан фахрланишга ўргатишимиз осон кечмайди. Азиз юртдошларим, келинг, қўлни-қўлга бериб, она тилимизни онамизни, она Ватанимизни севгандек севайлик! Унинг ҳар бир сўзини асрайлик, ардоқлайлик, кўкларга кўтарайлик! Она тилимиз – жону дилимиз. Унинг ҳамиша ва ҳамма жойда мағрур янграши фахру ифтихоримиз эканлигини унутмайлик!

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Миллий
университетининг журналистика
факультети ўқитувчиси.

ЮКСАК БИЛИМЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ўсиб келаётган ёш авлодни юксак билимли, салоҳиятли, Янги Ўзбекистон гоёларига садоқат руҳида тарбиялашда ижод мактабларининг ҳамда академик лицей ва ихтисослаштирилган мактабларнинг роли катта. Мақсад эса ягона — буюк аждодларимизга муносиб ворисларни, етук, билимдон ёшларни камолга етказишдан иборат.



Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Чирчиқ давлат педагогика университети академик лицейида олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишларига бугунги кун талабидан келиб чиқиб ёндашилмоқда. Ҳозирда лицейимизда “Аниқ фанлар”, “Ижтимоий-гуманитар фанлар”, “Хорижий тиллар” йўналишлари бўйича ўқитиш ишлари йўлга қўйилган. Мавжуд 4 та кафедрада жами 40 нафар педагоглар ёш авлодга сабоқ бериб келмоқда.

Айтиш лозимки, академик лицейнинг таълим сифатига баҳо беришда энг муҳим омиллардан бири бу академик лицейга ўқишга кириш учун хужжат топширган талабгорлар сони билан ўлчанади. Жумладан, жорий ўқув йилида академик лицейимизга 400 нафарга яқин 9-синф битирувчилари хужжат топширган эди. Ана шу ўқувчиларнинг 150 нафари 1-курсга имтиҳон асосида қабул қилинди. Шунингдек, олий таълим муассасаларига қабул қилинган ўқувчилар улусини таққослайдиган бўлса, ўтган йили 80 фоизга эришилган бўлса, ушбу йилда, яъни 2022-2023 ўқув йилида лицейни битирган ёшларимизнинг қарийб 89 фоизи мамлакатимиз ва хорижий олий

ўқув юртлирининг талабасига айланди. Шулардан 20 нафари Чирчиқ давлат педагогика университетига қабул қилинди.

Албатта, бундай натижаларга эришишда лицейимизнинг фидойи, жонкуяр ўқитувчилари меҳнатини алоҳида эътироф этиш лозим. Гуласал Абдуллаева, Мавлуда Менгдобилова, Рўзибуви Халилова, Халима Тошмуродова, Рухана Саиднасинова, Дилбар Насриева, Дилшода Исоқуллова сингари илғор ўқитувчилар меҳнати таҳсинга сазовор.

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг чет тилларини ўрганишга бўлган иштиёқи ортиб бораётгани қувонарли ҳол. Инглиз тили ўқитувчиларининг фидокора меҳнати самараси ўлароқ апрел ойида бўлиб ўтган чет тилини билиш даражасини аниқлаш синовларида 72 нафар ўқувчиларимиздан 61 нафари халқаро В2, В1 сертификатларига эга бўлишди. Ушбу ютуққа эришишда инглиз тили фани ўқитувчилари Муаттар Назирова ва

Камола Мирзодиёроваларнинг ҳисса-си катта.

Академик лицейда 24 та ўқув хонаси, ахборот-ресурс маркази, ўқув зали, физика ва кимё ўқув лаборатория хоналари мавжуд. Умумий фанлар ва спорт тўғрақлари фаолият юритмоқда. Ҳозирда лицейда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сонли фармони мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сонли қарорига асосан режали ва жорий аттестациядан ўтган 23 нафар асосий, 17 нафар соатбай ишлаётган ўқитувчи меҳнат қилади. Шулардан



4 таси фан доктори, 4 нафари бош ўқиувчи, 6 нафари етакчи ўқитувчи, 10 нафари эса катта ўқиувчилар ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти ва маҳоратини мунтазам ошириб боришга алоҳида аҳамият берилиб, Чирчиқ давлат педагогика университети кафедралари билан ҳамкорликда ўқув-услубий, ил-

мий, маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда.

Таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда, қолаверса, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий ҳамкорлигини йўлга қўйишда, уларнинг иқтидор ва қобилиятларини намойиш этишларида фан ойлукларининг мунтазам ўтказилиши муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирда собиқ ўқувчиларимиз Республикаимизнинг барча олийгоҳларида таҳсил олиб юртимиз равнақи, истиқболли йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Келажакда академик лицей ўқувчилари олдида яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш ҳамда олий ўқув юртлирининг муносиб номзодлари бўлишдек улкан вазифалар турибди. Хулоса қилиб айтганда, академик лицей жамоаси Янги Ўзбекистон келажиги, она юрт равнақи йўлида меҳнат қиладиган билимли, дунёқарашлари кенг ёшларни тарбиялаб етказишни ўз олдида мақсад қилиб, шу мақсад йўлида бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилишга азму қарор қилишган.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни, педагог-зиёлиларни ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан табриклайман. Уларнинг машаққатли ва шарафли ишларида ҳамиша омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Сирожиддин ҚОРАЕВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети академик лицейи ижрочи директори

Ютуқлар бардавомлиги йўлида

Ўқувчи-ёшларнинг касбий салоҳиятини, касбларга бўлган қизиқишини оширишда касб-хунар мактабларининг ўзига хос ўрни бор. Бекобод шаҳар касб-хунар мактабида 2023-2024 ўқув йилида 1294 нафар ўқувчи 19 та касб йўналишлари бўйича таҳсил олишмоқда. Уларга 58 нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар, 43 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари касбий маҳоратларини оширишлари

Ўтган 2021/2022 ўқув йилида мактабимизни 381 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, ана шу битирувчиларнинг 63 нафари имтиёзли дипломга эга бўлишди. Битирувчиларимизнинг 97 нафари турли нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга киришга муяссар бўлишди. Бекзод Усмонов “Касбим — фахрим” кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритиб, Тошкент вилояти ҳокими стипендиати бўлди. Яна битта ютуқларимиздан бири — касб-хунар мактаби ўқувчиси Шаҳбоз Кенжаев 2023 йил 13-17 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятида профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Кўпкураш” мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди. Ушбу мусобақада 22 та туман ва шаҳардан иштирокчилар катнашди. Мактабимизнинг “Қалқон” жамоаси фахрли учинчи ўринни қўлга киритди ва қимматбаҳо совғалар билан бирга 5 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Жорий йилда мактабимизни 668 нафар битирувчилар тамомлади. Шулардан 81 нафари имтиёзли дипломга эга бўлди.

“2023 йил — Инсон кадри ва сифат-



ли таълим йили” муносабати билан касб — хунар мактабининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. 2022-2023 ўқув йилида ташаббусли очикбюджет лойиҳаларида ғолибликни қўлга киритиб, “Ўқув машқ майдони” (автодром) замонавий типда қайта таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун ташаббусли бюджетдан 300 миллион сўм маблағ



ажратилди. Улардан ташқари шу лойиҳа асосида 840 миллион сўм маблағ ажратилиб, 52 дона замонавий персонал компютерлар ҳамда ҳар бир фан кафедралари учун 80 миллион сўмга 4 дона 65 дюмли электрон панелли смарт доскалари ва 30 миллион сўмга 2 дона сервер харид қилинди.

Худди шунингдек, янги ўқув йили учун 20 дона сўнгги русумдаги замонавий персонал компютерлар ва 1 дона 85 дюмли ва 9 дона 65 дюмли электрон панелли смарт доскалари харид қилинди. Биз ушбу йўналишдаги ишларимизни ҳамда таълим сифатини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни бундан кейин ҳам мунтазам давом эттириб борамиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни, жамоамизда меҳнат қилаётган устоз педагогларни касбий байрамлари билан муборакбод этаман.

Умарали МИРЗАКАЛАНОВ,
Бекобод шаҳар касб-хунар мактаби директори

Бугун кундалик турмушимизда фойдаланадиган аксар буюмлар ёки нарсалар электр таъминоти билан ҳаракатга келади ёки ишлайди. Технологик ривожланиш натижасида энергия ресурсларига талаб истеъмолчилар ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллайди. Ҳаракатланиш, овқат тайёрлаш, ёритиш, иситиш ва совутиш жараёнида инсонлар бу ресурсларга тобора боғланиб борадилар.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: биз нафақат электр энергиясидан, умуман ресурслардан қанчалик мақсадли фойдалана олаёмиз?

Мамлакатимизда кейинги йилларда энергетика саноатини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада аввало ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳани ривожлантиришнинг янги босқичларига ўтиш мақсадида энергетика соҳасига оид бир қатор қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Ишлаб чиқарилган электр энергиясини истеъмолчиларга сифатли ва барқарор етказиш бўйича сўнгги йилларда қарийб 46 000 километр электр узатиш тармоқлари ва 14 000 та трансформатор пунктлари янгиланди. Натижада кўплаб маҳаллаларнинг электр таъминоти яхшиланди.

Аммо, узоқ йиллар давомида мавжуд ускуналарнинг эскириши, газ қувурлари ва электр узатиш тармоқларининг хизмат муддатидан ошиб кетиши соҳада жиддий ўзгаришлар заруратини кун тартибига олиб чиқди. Технологик эскиришлар етказиб бериш жараёнида йўқотишларни ошириб юбориши ҳам янгилашни фурсатини зудлик билан амалга оширишни тақозо этади. Аҳоли сонининг ошиши ва иқтисодиёт тармоқларининг техник-технологик янгилашни эса талабни қаррасига кўпайтириш заруратини пайдо қилди.


Ресурс ва энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш зарурати ҳаётини эҳтиёжга айланди. Ўтган куз-қиш мавсумидан келиб чиқадиган сабоқлар, глобал майдондаги вазият ва мавжуд экологик муаммолар фонида энергия ресурсларини тежаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, мамлакатимизда йил якунига қадар 3,7 миллиард килловатт соат электр ва 2,4 миллиард куб метр газни иқтисод қилиш чоралари кўриляпти.

Иккинчи ярим йилликда 30 миллиард куб метр газ қазиб олиш ҳамда ерости газ омборларида захирани камида 3,5 миллиард куб метрга етказиш, 41 миллиард килловатт соат электр ишлаб чиқариш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинган. Электр тармоқлари ва трансформаторларни тўлиқ таъмирлаш, энергия ресурслари истеъмолида тартиб-интизомни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Амалиётда электр энергияси истеъмолининг прогнози ҳудудий электр тармоқлари корхоналари то-

монидан иқтисодий ривожланиш, аҳоли сонининг ўсиши ва уй-жой қурилишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир истеъмолчи билан тузилган

УЗИЛИШЛАРГА ҚАЧОН БАРҲАМ БЕРИЛАДИ?



электр таъминоти шартномаларида кўрсатилган эҳтиёж миқдорлари асосида аниқланади.

Бундан кўриниб турибдики, агар ўз эҳтиёжимиздан ортиқча сарфларни амалга оширсак, заруратсиз исроф қилсак ёки ноқонуний ула-нишларни амалга оширсак ўз-ўзидан тармоққа юктамалар ортади ва узиллишлар юзага чиқади. Маълумотларга кўра, аксарият ҳудудларимизда тақсимловчи тармоқлардаги трансформаторларга юкланганлик даражаси талаб қилинадиган меъёр – 75 фоиздан юқори.

Ижтимоий ҳимоялаш мақсадида амалга оширилаётган ҳозирги чора-тадбирлар кишиларни энергия ресурсларидан тежамкор тарзда фойдаланишга рағбатлантирмаслигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу давлат молиявий юқининг ортиши ва бюджет тақчиллигини юзага келтиради. Гап давлат томонидан электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тизимига субсидияларнинг ажратилиши ҳамда катта имтиёзларнинг берилиши ҳақида кетаяпти.

Тўғри, бу усулда давлат фуқароларга маълум вақт ижтимоий кўмак бериши мумкин, лекин соҳага бозор томоиллари кириб келмас экан, у ерда ривожланиш ва мукамаллик бўлмайди. Буни бугунги кунда энергия таъминоти билан боғлиқ тизимли муаммолар вужудга келгани ми-солида гувоҳи бўлиб турибмиз.

Агар соҳа бозор томоиллари асосида ишласа нима бўлади, деган табиий савол туғилади. Биринчи навбатда давлатнинг ижтимоий функциялари янада самарали ва манзилли ишлашни бошлайди. Ўз-ўзидан маълумки, даромади юқори бўлган “А” фойдаланувчи, нисбатан кам даромадга эга “Б” фойдаланувчидан кўпроқ энергия истеъмолини амалга

оширади. Бунда “А” фойдаланувчи ижтимоий кўмакка кўпроқ зарурати бор “Б” фойдаланувчи билан бир ҳил имтиёздан фойдаланади. Бу ижтимоий тенгсизликка ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ўз-ўзидан аҳоли ва жамият аъзолари ўртасида электр энергиясини сарфлашда шахсий “компас” пайдо бўлади – ким қанча фойдаланди, қандай йўл тutilса тежамкорликка эришилади

– бировнинг олдида эмас, аввало, ўзи учун ҳисобдорлик кўникмаси шаклланади.

Шу жиҳатдан, аҳолига электр энергияси ва табиий газ етказиб беришда ижтимоий норма белгила-ниши ва табақалашган тарифларга ўтилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Бунда маълум бир ҳажмда энергия ресурсларини сарф қилган истеъмолчилар арзон тарифда тўлашда давом этади, белгиланган нормадан кўпроқ энергия ишлатилганда нархлар қимматлашади. Мазкур режалар ижтимоий адолатни қарор топтириб, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича масъулиятни оширади.

Маълумки, энергия субсидиялари – бу истеъмолчилар учун нархларни бозор даражасидан пастроқ ёки етказиб берувчилар учун бозор даражасидан юқори ушлаб турадиган ёки мижозлар ва етказиб берувчилар учун харажатларни камайтирадиган чоралар ҳисобланади. Электр энергияси ва табиий газ ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш харажатларидан паст нархда сотилади. Ушбу харажатларни қоплаш учун бюджет маблағлари йўналтирилади. Бу маблағлар етмаса, соҳа компаниялари банкдан қарз ҳисобига молиялаштирилади. Шу орқали истеъмолчилар учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотида кўра, 2021-2022 молия йилларида ушбу мақсадларга 6 триллион сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилган. 2023 йилда эса аҳолига электр энергияси ва табиий газ учун 14 триллион сўмдан ортиқроқ субсидия берилиши кўзда тутилган.

Энергетика вазирлигининг маълум қилишича, 1 килловат соат электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш таннари 800 сўмдан ошади. Бу аҳолига етказиб бе-

рилаётган электр энергиясидан 505 сўм, юридик шахсларга сотилаётган электр энергиясидан 350 сўм кўп дегани. Бу ўз навбатида, давлат бюджетига юқини кўпайтиради.

Соҳага йўналтирилган субсидияларни узоқ муддатли фойдаланишда бўлган электр тармоқларини модернизациялашга йўналтириш кўпроқ натижа келтиради. Тармоқларни янгилаш хусусий инвестициялар жалб қилишни, бу эса тарифларни эркинлаштиришни талаб қилади. Чунки, тарифлар бозор нархларига тўғри келмаслиги инвесторларнинг Ўзбекистон энергетика тизимига кириш имкониятларини чегаралайди.

Айни чоғда давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ишлаб чиқарувчининг харажатларини қоплашга йўналтирилиб, аҳолига арзон нархда электр энергияси ва табиий газ етказиб бериляпти. Ўртадаги фарқ бюджет маблағлари ҳамда тизим ташкилотлари ҳисобидан қопланади. Ушбу ҳолат туфайли тизим ташкилотларининг аксарияти молиявий йилни катта миқдордаги зиён билан якунлашади.

Бундай вазиятда, табиийки, соҳада тегишли модернизация ишларини амалга оширишнинг мутлақо имкони йўқ. Ҳатто куйган ёки зарар етган ускуналарни алмаштириш, узилган электр тармоқларини янгилаш ҳам қийин бўлиб қолади. Жараён шу тарзда тўхтовсиз давом этаверса, ажратилаётган субсидиялар аянчли иқтисодий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун электр энергияси ва табиий газ нархларини эркинлаштириш билан боғлиқ ислохотларни зудлик бошлаш керак. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, электр энергиясини ҳамда табиий газ ишлаб чиқариш ва етказиб бериш харажатларини қоплаш мақсадида нархларни мақбуллаштириш лозим. Натижада субсидияларнинг асосий қисмини ажратиш тўхтатилади. Бу орқали бюджет тақчиллиги кескин қисқаради. Тармоққа бозор иқтисодиёти механизмлари жорий этилади. Истеъмолчиларга энергия ресурсларини етказишда узиллишларга барҳам берилади.

Бир сўз билан айтганда, инсон фаровонлигини таъминлаш ва ижтимоий адолатга эришиш учун эҳтиёткорлик билан ёндашув зарур бўлади. Илмий-иждоий ечимлар ва тизимли ёндашув орқали барча масалаларни ижобий ҳал қилиш мумкин. Муҳими энергия ресурсларининг ишончлилиги ва арзонлиги одамлар ҳаёти ва фаровонлигига кўпроқ хизмат қилишини таъминлашдир. Бугун соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам шунга қаратилган.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Саноат, қурилиш ва
савдо масалалари қўмитаси
раиси



(Боши 1-саҳифада)

ЛИБОС ТАНАГА ХОС-У МОС БЎЛСИН

Бунга эътироз йўқ. Энг кизиғи, бугун муаммога айланган “Ш”, “Ч” ва “Ў”, “Ғ” ҳарфлари ўша пайтда тўғри ифода этилганди. Ҳатто, каминанинг бир неча ўқув қўлланмаси ва “Ҳарфлар гулшани” номли янги алифбони ўргатишга қаратилган манзумаси ҳам чоп этилганди. Кўпчилик ўрганишга астойдил киришди, аҳолининг муайян қатлами буни эгаллади ҳам.

Кўп ўтмай, унга ўзгартириш киритиш ҳақида масала ўртага ташланди. Натижада яна битта ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш лар киритиш ҳақида қонуни (1995 йил 16 май. 71-1-сон) эълон қилинди.

Жорий йилнинг 22 сентябр куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика илмий-назарий конференция”си бўлиб ўтди. Соҳа мутахассислари, сенаторлар, журналист ва блогерлар ҳам иштирок этишди. Бир неча йиллар давомида чўзиб келинган масала яна тикланди. Буни узил-кесил ҳал этилиши ва жорий йил бошидан тўлиқ ўтилиши қарор билан қайд этилганди. Масала ўз ижросини топмаганди. Сўнгги нуктани қўйиш масаласи ургуланди.

Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги Фармони, Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 10 февралда “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари ҳамда Президентимизнинг 2023 йил 5-июл куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувидаги “Мана, кейинги пайтларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш

бўйича катта ишларни амалга ошираяпмиз. Айни пайтда олдимизда янги янада муҳим вазифалар турибди. Жумладан, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилигимиз билан бамаслаҳат, лотин ёзувиге асосланган алифбозини такомиллаштириш бўйича ишларни якунига етказишимиз зарур” деган алифбозини ислоҳ қилиш бўйича билдирган таклифлари асосида ишчи гуруҳ томонидан такомиллаштирилган алифбо лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунга асосан, лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси лойиҳаси эълон қилинди. Унда 4 та ҳарфнинг шакли ўзгариши кўзда тутилган: o', g', sh ва ch. Лойиҳа бўйича янги ўзбек алифбоси 28 та ҳарф, 1 та ҳарф бирикмаси ва тутук белгисидан иборат бўлади. Лойиҳа эълон қилинди. Табиийки, баҳс – мунозаралар бошланди. Лойиҳа орқали «шу пайтга қадар кўп мураккабликларни юзага келтираётган ҳарфлар ислоҳ қилиниши» таъкидланган.

Бунда

- O' o' ни Õ õ
- G' g' ни Ğ ğ
- Sh sh ни Ş ş
- Ch ch ни C c ҳарфига ўзгартириш таклифи берилганди.

Табиийки, тасдиқ ва инкор маъносидаги эътирозу эътирофлар билдирилди. Бундай усулда давом этадиган бўлсак, яна ўттиз йил чўзилиб кетиши мумкинлиги, баъзи баҳсталаб масалаларга ён босишимиз зарурлиги ҳам таъкидланди. Ён бериш бу муаммодан кўз юмиш бадалига бўлмаслигини эътироф этиш асносида мен ҳам минбарга чиқдим. Мутахассислар фикри ва ишчи гуруҳнинг меҳнатини эътироф қилган ҳолда, асосан, Ng ҳарф бирикмасини алифбодан чиқазиб ташлаш кераклигини айтдим. Чунки, биз уни айнан талаффуз қилмаяпмиз. Тўғри, бу ўғуз ва кипчоқ лаҳжаларида муҳим рол ўйнайди. Алифбони ихчамлаштириш нуктаи назаридан Ng нинг вазифаси деярли сезилмайди. “Кўнмоқ” ва “синмоқ” феъллари асосида ясалган “кўнгил” ва “син-

гил” сўзлари талаффузида ажратиб ўқишимиз керак бўлса, қалб маъносидаги “кўнгил”, қиз ука маъносидаги “сингил” ҳам деярлик бир хил талаффуз қилинади ва бир хил ёзилади. Ундан фақат алифбо ҳарфлари транскрипциясида истифода этиш ўринли бўлади. Бу фикримни ТДУТА университети ректори, профессор Шухрат Сирожидинов ҳам маъқулладилар.

“Ч” ҳарфининг ифодаланиши ҳақида ҳам эътирозли мулоҳазалар билдирилди. Олдин Ch шаклида бўлган Ç тарзида ифодаласак бўлмайди дейишди. Кўшимча белгиларни қисқартириш мақсадида C шаклида ифодаланиши, қолаверса, жаҳид маърифатпарварлари давридаги матбаа нашрларида C кўринишида бўлгани ишчи гуруҳ томонидан мақбул кўрилгани асос бўлди ва биз буни тўғри деб ҳисоблаймиз.

Фикр-мулоҳазалар ва келишувда яқдиллик бўлмагани учун овоз бериш орқали ҳал қилиш ҳамда бу муаммога бугун нукта қўйишимиз, шуни ҳал этмагунча ҳеч ким эшикдан чиқмаслиги керак, деган таклифимни қўллаб-қувватлашгандан мамнун бўлдим. Натижада кўпчилик овоз билан ишчи гуруҳ томонидан тузилган ҳарфлардаги ўзгариш ўз кучида қолди, фақат Ng ҳарф бирикмаси алфавитдан чиқазиб ташланиши маъқулланди. Шундай қилиб янги ўзбек алифбоси 28 та ҳарф ва тутук белгисидан иборат бўлиши кўпчилик томонидан таъкидланди.

Айримлар бу иқтисодий жиҳатдан жуда катта харажатни талаб этади деган фикрни билдиришяпти. Лекин маънавий жиҳатдан берадиган зарари ҳам бундан кам бўлмайди. Ҳар хил ваз корсонлар кўрсатмасдан, ишни пайсалга солмасдан тезроқ тасдиқланиши ва лотин-ўзбек алифбосига зудлик билан ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Ёзув инсоният даҳосининг буюк кашфиётларидан бири. Чунки у бўлмаганда ажодларнинг орзу-армонлари ва интилишлари ҳақида таассурот уйғонмаган бўларди ва биз хабар

топмаган бўлардик.

Шунинг учун ҳам тил ва ёзув масаласи жиддий муаммодир. Саводхонлик белгиси оғзаки ва ёзма нутқда фикрни тўла ифода этишга қобилликни аниқлатади. Эндиликда оммани янги алифбога ўргатишга тайёрлаш керак. Токи, улар кўнма хосил қилишсин.

Шуни таассуф билан айтиш керакки, кирилл алифбосида ёзишда ҳам онқадар саводли эмас эдик. Ёзув масаласи ҳам худди шундай. Лотин ёзувиге асосланган алифбодаги имломизда барчанинг тўғри ёзиш малакасини ошириш чораларини жиддий кўриб чиқиш зарур. Ривожланган давлатларнинг аксариятида саводхонлик масаласига жиддий эътибор қилинади. Ҳатто ана шу мақсадга хизмат қилувчи тил ва ёзув рутбасини назорат ва ҳимоя қиладиган ташкилотлар бор. Негадир биз бу масалага унчалик эътибор қилмаймиз. Саводхонликни сингдириш механизми тараққий этган кўплаб давлатларнинг муҳим муаммоларидан саналгани аниқ. Бу фаолият уларда турли ёш, соҳа ва касбий йўналишлар бўйича амалга оширилади. Йилнинг ҳар чорагида омма саводхонлигини кузатиш, текшириш мазмунида тадбирлар ўтказиб туради. Худди шундай муассасалардан Буюк Британияда “National Literacy Trust” (Миллий саводхонлик фонди) ва АҚШда “Key to Literacy” (Саводхонлик калити), Россияда “Центр грамотности” (Саводхонлик маркази) ташкилотлари мавжуд.

Айрим ёшларнинг интернет тармоқларидаги ёзишмаларини кўриб юрагингиз орқага тортиб кетади. Савод масаласи нахотки, шу ҳолатга келиб қолган бўлса.

Маънавиятнинг муҳим белгиси том маънодаги саводхонлик эканини унутмаслик керак. Бу эса оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини амалда қўлланилишини, тилнинг орфоэпик ва орфографик қоидаларининг ишлатилишини назорат этиш заруратини ҳам келтириб чиқаради. Айни пайтда оғзаки нутқнинг турли кўринишларида — монолог, диалог, суҳбат, интервью, баҳс-мунозара каби шаклларда сўзловчининг ўз фикрини чигаллаштирмасдан, очик ва раво ифода этиш компетентлигига қаратилган риторик маҳоратни, нотиклик санъатини такомиллаштириш масаласи ҳам ёзма нутқ саводхонлигимиз даражасига боғлиқдир.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ва “Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси

СПОРТГА ОШНО БОЛАЛИК

Тошкент вилояти «Гармония» маркази Қибрай тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ҳамкорликда “Интеллектуал ёшлар — келажакимиз эгасидир” номли лойиҳа доирасида тумандаги 23-сонли умумий ўрта таълим мактабида “Спортнинг бола ҳаётидаги аҳамияти” номли давра суҳбати ва эстафета ташкил этилди.

Лойиҳа Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тарафидан молиялаштирилган. Тадбирда вилоят жамоат фонди комиссиясининг раиси, вилоят кенгаши депутати Гулнора Аҳмедова, «Гармония» маркази раҳбари Айгул Тешебаева, мактаб директори Назира Халтаева,

ОАВ вакиллари, ўқитувчилар ва ёшлар қатнашди.

Ушбу тадбирдан кўзда тутилган мақсад, ёшларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, бағрикенгликни тарғиб қилишдир.

23-мактабда бугунги кунда 500 дан зиёд ўқувчилар қозоқ ва рус тилида таълим олмоқда. Болаларни руҳан ва маънан қўллаб-қувватлаш мақса-



дида «Гармония» маркази мактабга 11 миллион 500 минг сўмлик 45 турдаги спорт товарларини лойиҳа доирасида тақдим этди.

Ўз мухбиримиз.

Тадбир

